ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 90 (9.587) 2001 йил 3 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида бўшаб қолган ўринларга шу йил 29 июль куни ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловининг якунлари кўриб чиқилди.

• **Кеча** Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида юртимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шиори остида Хоразм вилоятига бағишланган фестиваль очилди.

• Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари янги асрнинг илк хирмонини уюшга киришдилар. Хўжалик бу йил давлат хирмонларига 1250 тонна пахта топширишни режалаштирган.

• Марказий банк матбуот хизматининг тарқатган хабарига кўра, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчаларида узоқ хориж давлатларига кетаётган республикамиз фуқароларига нақд хорижий валюта сотиш миқдори оширилди. Эндиликда улар 400 АҚШ долларигача бўлган миқдорда нақд хорижий валюта сотиб олишлари мумкин. Бунда улар паспорт, авиа ёки темир йўл чипталарини кўрсатишлари лозим бўлади.

• Наманган туманида йилига беш минг тонна чигитни кимёвий туксизлантирадиган «Миришкор МЧЖ» Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси қурилиши бошланди.

• Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ёш мусаввирларнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» мавзуидаги кўргазма-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

• Беларусь шу йилнинг сентябрь ойи бошларига белгиланган президентлик сайловларига тайёргарлик ва уни ўтказишни кузатишда иштирок этиш учун Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси делегациясини расман таклиф этди.

• **Бугун** Арманистон Бош вазири А. Маркарян мамлакат жанубига ва Қорабоғ муаммоларини ҳал қилиш йўлларини излаш давом этаётганлиги муносабати билан Тоғли Қорабоғга ташриф билан жўнади.

• Россия ташқи ишлар вазирлиги Америка Қўшма Штатларини ядровий омборларни ўзаро қисқартиришга чақирди. Расмий Москванинг билдиришича, 2008 йилгача Россия ва Америкада 1800 тадан ядровий каллаклар қолиши керак.

• Буюк Британия Бош вазири Т. Блэр ташриф билан Аргентинага келди. Бу ерда хабар қилинишича, мамлакат раҳбарияти билан унинг олиб борадиган музокаралари пайтида Фолкленд ороллари муаммоси хусусида сўз бормайди. Музокаралар пайтида Аргентинадаги савдо масалалари ва иқтисодий таназзул муҳокама қилинади.

• «Интерфакс»нинг хабар беришича, Эронда танк ҳужумига қарши ишлаб чиқарилган янги ракета синови муваффақиятли ўтди. «Саик-1» деб номланувчи ушбу ракета ҳар қандай замонавий зирҳли танкларни ҳам тешиб ўта олади.

• **Бугун** Қозоғистонда анъанавий «Осиё товуши» қўшиқ танлови очилади.

• Европа Иттифоқига киришга номзод бўлган олти мамлакат — Болгария, Латвия, Словения, Словакия, Мальта ва Кипр Европа Иттифоқининг ташкилотларидан бири — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Европа агентлигининг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлди.

• Қозон шаҳрида вабо касаллигининг эпидемияси тарқалди. 218 киши касалхоналарга ётқизилди, шулардан 42 кишига қўйилган ташҳис тасдиқланди.

• **Эртага** Британия қироличаси Елизавета II нинг онаси ўзининг 101 ёшини нишонлайди. Аммо, ҳозирги пайтда мамлакатда вужудга келган 32 даражали иссиқ ҳаво икки асрни кўраётган бу аёлни бироз дармонсизлантириб қўйди. Шифокорлар фикрича, у дам олиши лозим. Шунингдек, 4 август куни ўзининг таваллуд тантаналарида ҳам иштирок этиши эҳтимол бўлиб турибди. Ўтган йили 100 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган байрамда, Букингем саройидаги қароргоҳида қиролича онасини 40 минг киши қутлаган эди.

• Француз тилида гапирувчи мамлакатларнинг Оттава шаҳрида ўтаётган спорт ўйинлари қатнашчиларидан 108 нафар спортчи Канададан бошпана сўради. Журналистларга қайси мамлакатларнинг фуқаролари бошпана сўраганлиги айтилмади.

## МДҲнинг Сочи саммити

***Маълумингизким, 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россиянинг Сочи шаҳрига жўнаб кетган эди.***

Саммит дастурига мувофиқ 2 август куни Россиянинг Сочи шаҳрида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашди.

«Чойзордаги бинолар» мажмуида президентларнинг ялпи учрашуви бўлди. Унда МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш, стратегик барқарорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Президентлар минтақавий масалалар юзасидан ҳам батафсил фикр алм ашди. Саммит норасмий бўлгани боис унинг якунида бирор ҳужжат имзолангани йўқ. Шундай эса-да, журналистлар билан бўлган учрашув чоғида, иштирокчилар мулоқот самарали ва фойдали бўлганини таъкидлади.

Саммит доирасида президентларнинг икки томонлама учрашувларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистон раҳбари 1 август куни Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказган эди. Саммитнинг иккинчи куни Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Мулоқотлар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

(ЎзА).




## МИРОБОД ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА








◆ *Миробод туманининг умумий майдони 1713 гектарни ташкил этиб, унда 124,7 минг киши яшайди. Уларнинг 68,3 минг нафари аёллар ва 56,1 нафари эркаклардир.*

◆ *350 та йирик, 221 та ўрта, 778 та кичик корхоналар ва 2485 та микрофирмалар туман иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.*

◆ *Туманда 535 беморга мўлжалланган 3 та шифохона, бир сменада 1550 нафар кишини қабул қила оладиган 7 та поликлиника ҳамда 2 та туғруқхона жойлашган.*

◆ *Туман ҳудудидаги 5 та олий ўқув юртида 11.848 та талаба, 19 та умумтаълим мактабларида 21.127 нафар, 5 та академик лицейларда 1045 нафар, 6 та касб-ҳунар коллежларида 3398 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. 30 та болалар боғчасида 5395 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.*

◆ *Туманда 8 та кутубхона китобхонлар хизматида бўлса, 3 та кинотеатр, 2 та театр, 1 та маданият ва истироҳат боғи, 4 та маданият уйи, 2 та маданият саройлари каттаю кичикнинг маданий ҳордиқ чиқаришида муҳим омил бўлмоқда. 3 та мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатмоқда.*

◆ *132 та спорт иншоотларида кунига 4500 нафар киши шуғуллана олади. 2 та стадион, 2 та сув ҳавзаси, 4 та спорт зали жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.*

◆ Миробод тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидаги махсус саҳифада танишасиз.

### *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
## ҚАРОРИ
### АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларининг бўшаб қолган ўринларга 2001 йил 29 июль куни ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

| № | Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Номзод этиб кўрсатган органнинг номи | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Тошмуҳамедова** Дилором Ғофуржоновна | 1962 | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси | «Фармед» хусусий фирмаси бош директори | Тошкент шаҳри | 10-Чуқурсой |
| 2. | **Воҳидов** Эргашбой Комилжонович | 1952 | Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши | Андижон вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари | Андижон шаҳри | 31-Балиқчи |
| 3. | **Юсупов** Машариф | 1946 | Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши | Андижон вилоят «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш савдо акционерлик компанияси раиси | Андижон тумани | 46-Пойтуғ |
| 4. | **Давронов** Хуршид (Хуршид Даврон) | 1952 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси | Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали бош дирекциясининг бош директори | Тошкент шаҳри | 118-Пайариқ |
| 5. | **Исроилов** Алишер Хўжамович | 1964 | Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши | Сирдарё вилояти ҳокими | Гулистон шаҳри | 133-Сардоба |
| 6. | **Каттаева** Робия Ғаниевна | 1961 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Термиз шаҳар 2-ўрта мактаб директори | Термиз шаҳри | 139-Термиз |
| 7. | **Мадиев** Парда Чориевич | 1970 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси | Термиз шаҳри | 147-Сариосиё |
| 8. | **Прохоренко** Геннадий Алексеевич | 1949 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори | Олмалиқ шаҳри | 152-Олмалиқ |
| 9. | **Анварова** Маърифатхон | 1951 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Ўзбекистон тумани 30-ўрта мактаб директори | Ўзбекистон тумани | 177-Қайнар |
| 10. | **Ҳамидов** Бахтиёр Султонович | 1944 | Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши | Қашқадарё вилояти ҳокими | Қарши шаҳри | 217-Қарши |
| 11. | **Муродов** Олим Эргашевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | «Шўртаннефтгаз» нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи | Қарши шаҳри | 219-Ғузор |
| 12. | **Бозоров** Холбобо Аҳматович | 1959 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси | Қашқадарё темирйўл дирекцияси бошлиғи | Қарши шаҳри | 220-Деҳқонобод |
| 13. | **Ғафуров** Абдирасул Абдужалилович | 1949 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори | Қамаши тумани | 221-Қамаши |
| 14. | **Санджонов** Ўлмас | 1951 | Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси | Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси директори | Тошкент шаҳри | 236-Яккабоғ |

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **Н. КОМИЛОВ**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 1 август.

### *Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг*
## ҚАРОРИ
### Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижаларига кўра сайланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41 ва 45-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларининг бўшаб қолган ўринларга 2001 йил 29 июль куни ўтказилган сайлов натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

| № | Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Номзод этиб кўрсатган органнинг номи | Эгаллаб турган лавозими | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Ахмеджанов** Махаматджон | 1955 | Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи | «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти бош директори | 14-Интизор |
| 2. | **Миржалилов** Атхамжан Жалилович | 1946 | Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи | Собир Раҳимов тумани ҳокими | 25-Себзор |
| 3. | **Муратходжаев** Сайфитдин Валиевич | 1947 | ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши | «Ўзкабель» Давлат акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директор | 11-Академик |
| 4. | **Хошимов** Ботир Абдуҳакимович | 1971 | ЎзФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент шаҳар бўлими бошқарувчиси | 13-Гулшан |

**Шаҳар сайлов комиссияси раиси** **Ф. МАЛИКОВ**
Тошкент шаҳри,
2001 йил 30 июль

## Ташкилий қўмита йиғилиши

**КЕЧА**

«Ўзкўргазмасавдо» марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида IX жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарди.

Дастлаб Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг президенти Аҳрол Рўзиев ассоциация томонидан шу кунгача қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди. Сўнг Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика Ташқи ва Ички ишлар вазирликларининг зиммаларидаги вазифалар қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Меҳмонларни жойлаштириш, уларга тиббиёт хизмати кўрсатиш ишларининг қандай бораётгани, чемпионатнинг очилиш маросимининг қандай ўтказилиши яна бир карра аниқлаштириб олинди.

Ташкилий қўмита аъзолари мусобақалар ўтказиладиган зал билан танишишди.

## БОҒДА «МАҲАЛЛА КУНИ» БАЙРАМИ

**ЭРТАГА**

шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий «Маҳалла куни» байрами бўлиб ўтади. Бешинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирда шаҳримиздаги спорт майдончаларини очган, ёшлар билан фаол ишлаган маҳалла оқсоқолларига Тошкент шаҳар ҳокимининг фахрий ёрлиқлари топширилади. Шунингдек, энг ибратли маҳалла оқсоқоли, энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли ҳам махсус совғалар билан тақдирланади.

Албатта, маҳаллаларимиз осойишта бўлса, юртимизда ҳам тинчлик ҳукм суради. Шаҳримизда бундай ибратли маҳаллалар ҳам оз эмас. Байрам давомида бундай маҳаллалар оқсоқоллари ва профилактика нозирларига «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда пойтахт ИИББ томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилади.

Эл севган санъаткорлар ва фольклор-этнографик дасталар ижросидаги куй, қўшиқ ва рақслар тадбирга байрамона файз ва тароват бахш этади. Кам таъминланган оилаларнинг болалари учун эса ўйин аттракционлари бепул хизмат кўрсатади.

Биз ҳамшаҳарларимизни эртага соат ўндан бошланадиган «Маҳалла куни» байрамига келиб мароқли ҳордиқ чиқаришга таклиф этамиз.

## ДИЛ ИЗҲОРИ

**Равшан ҚОСИМОВ, Шайхонтоҳур туманидаги «Лабзак» маҳалласи оқсоқоли:**

— Ўтган йили ҳам Мирзо Улуғбек боғида ўтказилган «Маҳалла куни» байрамида қатнашиб олам-олам завқ олгандим. Зеро, маҳаллага бош-қош бўлиб уни ободонлаштириш, ёшларнинг бошини қовуштириш, осойишталикни сақлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг зое кетмаслиги биз оқсоқолларни янада яхшироқ ишлашга ундайдиган омилдир. Фурсатдан фойдаланиб барча маҳаллаларимиз оқсоқоллари, фаоллари ва жонкуярларини «Маҳалла куни» билан чин кўнгилдан қутлайман.

**Розия РАҲИМОВА, уй бекаси:**

— Кўп болали онаман. Фарзандларим билан кўпинча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғига келиб тез-тез ўтказилиб туриладиган ранг-баранг тадбирларда қатнашиб, маданий ҳордиқ чиқариш оиламизда одат тусига кирган. Бу йил «Маҳалла куни» тадбирида учинчи бор қатнашамиз. Энг қувонарлиси, биз каби кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўйин аттракционлари доимо бепул хизмат кўрсатади, севимли санъаткорларнинг чиқишларини завқ билан томоша қиламиз.



## *Қалби дарё маҳаллам*

***Ассалом, мўътабар улуғ авлодим,***
***Чинордай серилдиз хешу аждодим,***
***Помирдай боши тик, қадди шамшодим,***
***Самарқанд дарбоза, Боғиободим,***
***Чўлпон ота, Катта Қаъни маҳаллам,***
***Ҳар қадами ҳикмат, маъни маҳаллам!***

***Не-не зукко, фозил, адиблар ўтган,***
***Не-не арбоб, аҳбоб, ҳабиблар ўтган,***
***Не-не пиру меъмор, табиблар ўтган,***
***Не-не уста, боғбон, косиблар ўтган,***
***Тошкентда ардоқли, буюк маҳаллам,***
***Дорилфунун, мактаб, суюк маҳаллам!***

***Бир-бирига аҳил, иноқ, меҳрибон,***
***Бир-бирига қуда-анда, қадрдон,***
***Бир-бирига суянчиғу соябон,***
***Ҳар биттаси бир қўшиғу бир достон,***
***Танти, зариф, қалби дарё маҳаллам,***
***Бағри осмон, катта дунё маҳаллам!***

***Бўлса тўй, маърака бир тан, бир жонсиз,***
***Бир қатор тизилган дурсиз, маржонсиз,***
***Бирингиз қошу кўз, мадор, дармонсиз,***
***Айрилмас мен Сиздан қолурман жонсиз,***
***Серҳикмат, серзаҳмат, улуғ маҳаллам,***
***Нияти покиза, қутлуғ маҳаллам!***

***Ўргулай элимдан, Ўзбекистондан,***
***Мустақил диёрим, кавкабистондан,***
***Бахтлиман, тақдирим, даврим-давронидан,***
***Арзийди унинг-чун кечсам ҳам жондан!***
***Искандар қадами қайда бўлса ҳам,***
***Юраги, хаёли сенда маҳаллам!***

Искандар РАҲМОН




# МИРОБОД тумани

## КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

## Ҳар ишга қодир

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари олдига улкан вазифалар қўйилган. Ана шу вазифаларни муваффақиятли адо этишда республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман бўлими ҳам фаол иштирок этади.***

Бўлимнинг май ойида ўтказилган таъсис конференциясида тумандаги олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларидан, маҳалла, ташкилот ва корхоналардан, ҳарбий қисмлардан 200 нафарга яқин ёшлар иштирок этдилар. Булар туманнинг энг фаол ва етакчи ёшларидир.

Албатта, бу етакчи ёшларни аниқлаш учун ташкилий ишларни бажариш мобайнида барча қатлам ва поғонадаги ёшлар орасига кириб борилди, бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатларда уларнинг фикрлари ўрганилди. Шу тариқа туман ҳудудидаги олий, ўрта-махсус ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда, корхоналарда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари таъсис этилди. Бугунга келиб бошланғич ташкилотлар сони кўпайиб, унинг фаоллари ортиб бормоқда.

Олдинда турган мақсадга эришиш, вазифаларни бажариш учун ташкилий ишлар билан чегараланиб қолмай, бўлим томонидан ёшлар иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда, унинг самарасига эътибор қаратилмоқда. Республика Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб Темирйўлчилар маданият саройида туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» фестивали ёшларда катта таассурот қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаракат эндигина иш бошлади, лекин унинг парвози юксак бўлишига шубҳа йўқ. Чунки туманнинг оловқалб ёшлари ҳар ишга қодир ва улар Ватан келажаги ўз қўлларида эканлигини дилдан ҳис этмоқдалар.



***Мустақилликнинг ўтган ўн йили мобайнида пойтахтимизнинг Миробод тумани таниб бўлмас даражада чирой очди — бу ерда кўплаб янги иморатлар қад ростлади. Шу боис туман ҳокими Азиз ТЎРАЕВ мирободликларнинг юбилей йилидаги ҳаёти ва меҳнатлари ҳақидаги гапларни бугунги янги бунёдкорлик ишларидан бошлади:***

## Муносиб кутиб оламиз

— Туманимиз шаҳримизнинг ўзига хос масканларидан бири саналади. Ўзига хослиги шундаки, Тошкент шаҳрига темир йўл орқали ташриф буюрган ҳар бир меҳмон пойтахт билан танишувни биринчи навбатда туманимиздан бошлайди. Шунинг учун ҳам биз ҳамиша туманимизнинг ташқи кўринишига, чиройига муҳим эътиборни қаратамиз. Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган йилда ҳам туманда кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари бажарилиб, кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Ўзбекистон, Шаҳрисабз, Нукус кўчалари ва Афросиёб шоҳкўчасида янги бунёдкорлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу ерларда байрам арафасида қатор уй-жойлар, бизнес марказлари ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилади. Туман ҳудудидан ўтувчи «Юнусобод» метро йўналишининг «Мингўрик» бекати тўла қуриб битказилади. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика юристлар малакасини ошириш маркази, «Фотон» ҳиссадорлик жамияти, Давлат Филармонияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Давлат санъат музейи бинолари қайта таъмирланиб, байрамга ўзгача қиёфа кашф этади. Умумтаълим мактабларини тўла таъмирлаш ишлари тугалланади. Албатта, бунёдкорлик соҳасида келгусидаги режаларимиз ҳам бисёр: Шевченко кўчасида кўп қаватли замонавий турар-жой бинолари қад ростлайди, Мовароуннаҳр кўчасида Автомобиль йўллари институтининг академик лицейи қурилиши кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, биз нафақат бунёдкорлик, балки саноат, соғлиқни сақлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва айниқса тадбиркорлик соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Тадбиркорлик ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз тадбиркорлик соҳасига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Туманимизда ҳам бугунги кунда саноат, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларни қамраб олган 3 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорларга кўмак бериш мақсадида 1999 йилда туманда Ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилган бўлиб, марказ мутахассислари тадбиркорларга ҳужжатларни расмийлаштириш, хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишда яқиндан ёрдам бермоқда, уларни касб маҳоратларини ошириш учун ўқишга юбормоқда. Марказ томонидан фақат шу йилнинг ўтган ярмида 700 та хизмат кўрсатилди. Бу борадаги келгуси ишларимизни ҳам, албатта, Юртбошимизнинг ҳар бир кўрсатма ва йўл-йўриқларини чуқур ўрганган ҳолда ташкил этамиз.

Яна шуни алоҳида айтиш керакки, қутлуғ байрам арафасида мирободликлар тантанани муносиб туҳфалар билан кутиб олиш ниятида яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига асосан байрамолди ободонлаштириш ойлиги қизғин олиб борилмоқда. Туман ҳудудини байрамона безаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Ушбу тадбирларда туманда истиқомат қилувчи барча аҳоли иштирок этмоқда. Байрам куни туманимиздаги барча маҳаллаларда байрам тадбирлари уюштириш режаланган бўлиб, концертлар, спорт мусобақалари, кўчаларда халқ сайиллари ўтказилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатилади. Туманимизда 1 сентябрь кунги асосий тантаналар Фурқат номли истироҳат боғи ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театр майдонида бўлиб ўтади. Ишончим комилки, дилларга қувонч ва эзгулик улашадиган улуғ байрамни мирободликлар кўтаринки кайфиятда муносиб нишонлайдилар.

ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

## Таърифига тилим лол

◆ ***Хурсаной АВАЗОВА, «Сарикўл» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси:***

— Беадад шукроналар айтаманки, ота-боболаримиз орзу қилган энг ёруғ, энг қутлуғ кунларнинг — Мустақилликнинг нашидасини сураётганимиздан бошим кўкларга етади. Қарангки, бошимизда чинакамига балқиган қуёш бугун мамлакатимизни, жаннатмакон юртимизни жаҳонга танитмоқда, дилимиздаги бутун олам тан олган улуғ алломалар авлоди эканлигимиздан фахрланиш туйғусини янада жўш урдирмоқда.

Истиқлол туфайли рўй бераётган муҳим ўзгаришларнинг қай бирини айтишга ҳам, таърифлашга ҳам тилим лол. Биргина муборак маскан — маҳаллага, муҳтарама инсон—оналарга, аёлларга берилаётган эъзозу эътиборни олайлик. Мана шу мустақиллик шарофати билан энг қутлуғ қадамжоларга қадамим етганидан беҳад бахтиёрман. 1992 йилда республикамизда ташкил этилган «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» экспедициясида тарихчи олимлар, санъаткор ва бошқа касб эгалари билан биргаликда фаол иштирок этдим. Ушбу зиёратлар менинг буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромларимни янада оширди.

Мустақиллик маҳаллаларимизда меҳроқибатни, саховатни кучайтирди. «Маҳаллангота-онанг» деган ибратли нақл яна амалга кирди. Маҳалламизда 8877 нафар киши истиқомат қилса, мавжуд 2440 та оиланинг барчасига кириб борамиз. Айниқса, аёлларнинг қувонч ташвишларига шерик бўлиш, муаммоларини ўз вақтида ечиш йўлларини қидиришдан асло чарчамаймиз. Маҳалла болаларининг соғлом ва баркамоллигига, ҳақиқий юрт фарзандлари бўлиб камол топишига катта эътибор қаратганмиз.



1996 йилдан буён маҳаллада хотин-қизлар билан ишлайман. Туман хотин қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ҳар бир тадбирнинг самарали ўтишига эришмоқдамиз. Истиқлолни мен ўзимнинг ҳам ҳақиқий иқболим деб биламан. «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятидаги 40 йиллик меҳнатим, маҳалладаги фаолиятим ана шу иқболдан яшнади. Ўтган йили бахтли инсонлар қаторида мен ҳам «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Ҳали дилимда эзгу ниятларим кўп. Бу ҳаммаси юртим равнақи йўлида, келажагимиз бўлган ёшларни тарбиялашга қўшадиган ҳиссаларимдир.

Маҳалламизнинг обод ва саришталиги, оилаларимизнинг мустаҳкамлиги, одамларимизнинг тотувлиги билан энг улуғ ва азиз Истиқлолимизни шодиёна нишонлаймиз.

МАЪНАВИЯТ

## Мақсад ва вазифалар аниқ

***Туманда ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» маркази жорий йилнинг ўтган ярмида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, бир қанча тадбирларни муваффақиятли амалга оширди.***

Айниқса, ёшларни Ватанга содиқ ўғлонлар қилиб тарбиялаш мақсадида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Темирйўлчилар маданият саройида ўтказилган тадбирда меҳнат ва уруш фахрийларининг, ҳарбийларнинг чиқишлари ўқувчи ва талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Марказ томонидан мустақиллигимизга хавф туғдирадиган ички ва ташқи таҳдидлар, уларнинг моҳияти, шу билан бирга лоқайдлик, боқимандалик иллатларини ошкора кўрсатиб беришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам мунтазам амалга оширилмоқда. Тумандаги 18 та ташкилот ва корхоналарда, «Мингўрик», Шароф Рашидов, Ойбек, «Салор», Охунбобоев, Ат-Термизий, Миробод, «Олтинкўл», Янги Миробод, «Истиқлол», Фурқат маҳаллаларида ана шу мавзуга бағишланган учрашув ва анжуманлар ўтказилиб, олимларнинг маърузалари уюштирилди.

Тумандаги маҳалла, корхона ва ташкилотларда, 5 та олийгоҳ, коллеж, лицей ва мактабларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуида ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этилди. Ҳафтанинг ҳар жума кунида ҳокимликнинг катта мажлислар залида маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгаши раислари, маҳалла посбон ва сардорлари учун туман «Маҳалла» жамғармаси ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Виждон эркинлиги» мавзуида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курси ташкил этилиб, таниқли олимлар машғулот ўтказадилар.

Шунингдек, миллий маънавиятимиз сарчашмалари бўлган буюк алломаларимиз, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасига бағишланган кечалар уюштирилиб, бундай тадбирлар миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз тикланиши ва мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда. Сирасини айтганда, марказ маънавият миллат кўрки эканлигини чуқур англаган ҳолда фаолиятини ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли адо этишга қаратган ва бу йўлдаги ишлар давом этмоқда.

ҚУРИЛИШ

## Кўз қувнайди



***Мустақиллик йилларида пойтахтимизнинг Миробод тумани чиндан ҳам энг обод ва гўзал масканга айландики, бу ерда бунёд этилган кўркам замонавий турар жой бинолари, муҳташам иморатлар ва равон кўчалар — ҳамма-ҳаммаси кўзни қувнатиб, дилни яйратади.***

Айниқса, туманнинг Госпиталь мавзеси чиройига таъриф йўқ. Бу ердаги «Миробод» бозори, ўн йил ичида бунёд этилган 4,5,9,12-қаватли уйлар, Сарикўл кўчасидаги 1200 ўринли саноат касб-ҳунар коллежи, Тошкент темир йўл институтининг 600 ўринли академик лицейи, Тошкент политехника касб-ҳунар коллежининг 900 ўринли бинолари, Африсоёб-Нукус кўчасининг бугунги жамоли, маҳаллаларда қад ростлаган шинам гузарлар, 328-мактаб, 60-болалар боғчаси ва бошқа бир қатор иншоотлар туманнинг бугунги чиройи, қурилиш ишларининг жадал олиб борилганидан дарак бериб турибди.

Нукус кўчасида бунёд этилаётган 5 та 9 қаватли уйнинг биттаси фойдаланишга топширилди. Кейинги йилларда Ойбек кўчасида қад ростлаган 6 та 9 қаватли уйларда бахтиёр оилалар яшашмоқда. Кўчадаги шундай уйлардан бири эса Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. 18 хонадонга мўлжалланган 9-қаватли уйни 26-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этишмоқда. «Ўзуйжойжамғармабанки» буюртмасига асосан қурилаётган ушбу уй хоналарининг кенглиги, яшовчилар учун барча қулайликлар мужассамлиги билан ажралиб туради.

Байрамни ёруғ юз билан қаршилаш ниятида ғайрат билан меҳнат қилаётган мирободлик бунёдкорлар Оналар ва болалар йилида яна кенг кўламли қурилиш ишларини амалга ошириш, туманни пойтахтимизнинг янада гўзал масканларидан бирига айлантиришга аҳд қилишган.

**СУРАТДА: Ойбек кўчасида бунёд бўлган уйларни мана шу қўли гул қурувчилар қуришган.**

МАҲАЛЛАНГ — ОТА - ОНАНГ

## Аҳиллик бор жойда...

***Туманнинг «Темирйўлчилар» маҳалласида 17 миллат вакилларидан иборат 2,5 минг аҳоли аҳил-иноқ яшашади.***

Бунга сабаб маҳалла оқсоқоли ва фаолларининг ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга кириб бориши, уларнинг қувончу ташвишларини биргa баҳам кўришидир.

— 1992 йилдан буён шу маҳаллага оқсоқолман, — дейди Маҳамадниёз Абутов. — Асосан маҳалла тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга, ободонлаштириш юмушларини бажаришга, хотин-қизларимизга ҳурмат кўрсатишга, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишга, спорт билан мунтазам шуғулланишига ҳамиша эътибор қаратамиз. Маҳалламизда 902 та оила, 856 та хонадон мавжуд. Маҳаллага келиб-кетувчиларни ҳам назорат қилиб борамиз. Мустақиллик шарофати билан маҳаллаларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан кенг фойдаланиб, ўтган йиллар давомида анча ишлар амалга оширилди. Маҳалла гузари ободонлаштирилди, жиҳозланди, ҳудуддаги «Темирйўлчилар» боғи тартибга келтирилди, кўчалар асфальтланди, канализация тармоғи қурилди. Тўй ва маъракалар замонамизга мос ва хос қилиб ўтказилмоқда. Шу боис бўлса керак, маҳалла аҳли ҳақида фақат яхши гаплар айтилади. Шунинг учун бўлса керак маҳалла ўтган йили шаҳримизда ўтказилган «Уйим, гулим, шаҳрим» кўрик-танловининг ғолиби бўлди.



Бу ерда 300 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси яшайди, улар доимо эъзозда. Ёшлар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади. Тадбирлар, учрашув ва анжуманлар қизиқарли ўтади. Айниқса, маҳалла ёшлари билан ўтказиладиган тадбирлар ўз тарбиявий самарасини бермоқда.

Бу йил ўз-ўзини бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловда маҳалла аҳли яна Маҳамадниёз акани оқсоқолликка сайлашди ва унинг раҳбарлигида Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш тараддудида.

**СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Маҳамадниёз Абутов (чапдан иккинчи) маҳалла фаоллари билан.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**



ТАДБИРКОРЛИК

## Исталган буюртма бажарилади

***Туман тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасига 2988 ўрта ва кичик бизнес корхоналари аъзо бўлган. Улардан 1867 таси қичик фирмалар, 408 таси кичик корхоналар, 42 таси ўрта бизнес корхоналари ҳамда 641 таси якка тадбиркорлардир.***

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 345 дан ортиқ кичик ва ўрта корхоналар орасида «MAKS» хусусий корхонасининг ўз ўрни бор. Турли хил мебель маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхона тадбиркорлари харидор талабидан келиб чиқиб, бозорни чуқур ўрганган ҳолда иш юритишмоқда.

—Корхонамизда 15 нафар маҳоратли мебелсоз фаолият кўрсатмоқда, — дейди директор Сергей Когородов, —1991 йилда фаолиятимизни савдо ускуналари ишлаб чиқаришдан бошлаган бўлсак, бугунги кунда барча турдаги мебелларни тайёрлай оламиз. Цехларимиз ўзимизнинг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Албатта, мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароит ва берилаётган имкониятлар бизни ҳам янги изланишларга ундамоқда.

Корхонада ўтган йилда 15 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 8 миллион сўмликдан ортиқ мебеллар ишлаб чиқарилди.

**СУРАТДА: тажрибали ойнасоз Марат Насриддинов.**

ТУМАН ТАРИХИДАН

## Аждодлар обод қилган жой

Пойтахтимизнинг Миробод тумани эгаллаган барча ҳудудлар XIX асрда Тошкентнинг Янги шаҳар деб аталмиш қисмига кирган. 1880-1890 йилларда Тошкентнинг Эски шаҳар қисми, яъни Шайхонтоҳур даҳасидан оилалар бу ерга кўчиб келиб яшай бошлаганлар. Туманнинг ҳозирги Миробод бозори ҳудудида , улар ободонлаштириш ишларига киришадилар— уй-жойлар қуришади, дарахтлар экишади.

Миробод туманининг ҳозирги Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри жойлашган қисмларида 1868 йилларда «Якшанба» бозори пайдо бўлди. Унинг атрофидан дўконлар, китоб расталари, меҳмонхоналар, майда ҳунармандчилик устахоналари жой ола бошлайди, XX аср бошларида (1910 йил) бозор олдида дорихона бунёд этилган.

1901 йилда туман ҳудудида нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда йирик темир йўл вокзали қурилди. Шу муносабат билан 1918 йилда замонавий Миробод тумани «Темирйўлчилар» деб атала бошланди.

XX асрда туманда саноат тез ривожлана бошлади. Бу даврда туманда тепловозларни таъмирлаш, кимё-фармацевтика, «Тошкимёқишлоқмаш» заводлари, «Қизил тонг» фабрикаси фаолият бошлади. Шунингдек, қатор институтлар, маданий-маърифий масканлар қад ростлади. Давлат санъат музейи, А. Навоий номидаги Давлат академик катта театри, Ўзбекистон рус академик драма театри ва бошқа муҳташам иморатлар ана шулар жумласидандир.

Мустақиллик шарофати билан 1993 йилда пойтахтимизнинг ушбу марказий туманига тарихий — Миробод номи берилди. Албатта, бу шу ҳудудни обод этган ва яшнатган аждодларимиз хотирасига эҳтиромдир.

**Саҳифани Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.**

